

## 2 -СОН ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шахри

2022 йил “18” январ

Кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи хусусий тадбиркор “Мадалиев Масуджон Махмудович” номидан 1268395-сон гувоҳнома асосида фаолият юритувчи М.М. Мадалиев бир томондан ва кейинги ўринларда “Харидор” деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси номидан фармойиш асосида фаолият юритувчи Молия-хўжалик департаменти шўъбаси мудирлари М.Р.Хужаниязов иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи Харидорга сувенир маҳсулотларини (кейинги ўринларда – товар) ушбу шартноманинг 1.2-бандида назарда тутилган миқдор, ассортимент ва нархларда етказиб бериш мажбуриятини олади, Харидор эса товарни қабул қилиб олиш ва унинг қийматини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Товар сони, ассортимент ва нархи:

Т/р	Товар номланиши	Ўлчов бирлиги	Сони	Бирлик учун нарх	Қиймати	ҚҚС		Умумий қиймати
						Фоиз	Сумма	
1.	8 та предметдан иборат чой сервиси	к-т	10	1800000	18000000	Фоизсиз	ҚҚС	18000000
Жами:								18000000

### 2. ТОВАРНИНГ СИФАТИ

2.1. Товарнинг сифати Ўзбекистон Республикасида белгиланган давлат стандартларига мувофиқ келиши лозим.

2.2. Мазкур маҳсулот Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3953 сон қарори 11 бандида кўрсатилган расмий делегациялар учун мўлжалланган.

### 3. ИДИШ ВА ЎРАМИ

3.1. Етказиб берувчи товарни ташишда унинг бус-бутунлигини таъминлайдиган ўрамли ҳолга келтиради.

### 4. ТОВАРНИ ЮКЛАБ ЖЎНАТИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

4.1. Товар Етказиб берувчи омборидан ўзи олиб кетиш шартларида берилади.

4.2. Етказиб берувчи ҳисоб рақамига товар учун дастлабки тўлов келиб тушган кундан бошлаб ўн календарь куни давомида товарни юклаб жўнатади. Муддатидан олдин етказиб беришга йўл қўйилади.

4.3. Товарни сони бўйича қабул қилиш Харидорнинг ваколатли вакили томонидан Етказиб берувчи омборида амалга оширилади.

4.4. Товарни сифати бўйича қабул қилиш стандартлар, техник шарт-шароитлар ҳамда тақдим этиладиган товарнинг сифати ва бутланганлигини тасдиқловчи кузатув ҳужжатлари (сертификат, ҳисоб-фактура, спецификацияси)га мувофиқ, шунингдек, ушбу шартнома шартларига кўра амалга оширилади.

4.5. Харидор вакили томонидан нуксон, сифат, маркировка, идиш, ўрамнинг стандартлар, техник шартлар талаблари ва/ёки шартномага номувофиқлиги аниқланган тақдирда, Харидор вакили Етказиб берувчи вакиллари иштирокида (Етказиб берувчи томонидан рад қилинганда манфаатдор бўлмаган учинчи шахслар иштирокида)

далолатнома тузиш ва аниқланган камчиликлар Етказиб берувчи томондан тўлиқ бартараф этилмагунга қадар товарни қабул қилишни рад этиш ҳуқуқига эга. Етказиб берувчи далолатнома тузилган кундан бошлаб беш календарь куни мобайнида далолатномада кўрсатилган миқдорда товарни тайёрлаб бериш мажбуриятини олади. Товарни тайёрлаш имкони бўлмаган тақдирда Харидорга тегишли жарима санкцияларини тўлаган ҳолда яроқсиз товар қийматидаги зарарни қоплайди.

4.6 Етказиб берувчи нуқсонлар товар Харидорга топширилгандан кейин юзага келганлигини исботлай олмаса товар нуқсонлари учун жавобгар ҳисобланади.

4.7. Харидор нуқсонларни оддий қабул қилишда аниқлашнинг имкони бўлмай (яширин камчиликлар) товарни қабул қилгандан кейин аниқлаган тақдирда, бундай нуқсонлар маълум бўлган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида Етказиб берувчини бу ҳақда хабардор қилиши лозим. Етказиб берувчи аниқланган нуқсонларни хабар берилган кундан эътиборан беш календарь кунида бартараф қилиш ёки Харидорга тегишли жарима санкцияларини тўлаган ҳолда яроқсиз товар қийматидаги зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

## **5. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҚИЙМАТИ ВА ТАРТИБИ**

5.1. Товарнинг умумий қиймати ушбу шартномага кўра **18 000 000** (Ўн саккиз миллион) сўмни ташкил этади. ҚҚСсиз.

5.2. Тўлов шакли – нақд пулсиз.

5.3. Харидор ушбу шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўн беш банк иш куни давомида товар учун 30% (ўттиз фоиз) миқдорида дастлабки тўловни амалга оширади. Харидор товар етказиб берилиб, юк хати ҳисоб-фактура расмийлаштирилган кундан эътиборан ўттиз банк иш куни мобайнида Етказиб берувчига қолган суммани тўлайди.

## **6. КАФОЛАТЛАР**

6.1. Етказиб бериладиган товарга кафолат муддати юк хати ҳисоб-фактура имзоланган санадан бошлаб бир йилни ташкил этади. Товарнинг сифат кафолати товарнинг барча бутловчи қисмларига ҳам татбиқ этилади.

## **7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Томонлар “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ушбу шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгар ҳисобланади.

7.2. Жарима санкцияларини тўлаганлик томонларни ушбу шартномага кўра ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

8.1. Ушбу шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар томонлар музокараси орқали, келишувга эришилмаган тақдирда эса, Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

8.2. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянади.

## **9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР**

9.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун, башарти ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин томонлар олдиндан билиши, тегишли чоралар билан олдини олиши мумкин бўлмаган фавқулодда хусусиятга эга воқеалар натижасида вужудга келган, энгиб бўлмас кучга эга ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлари) туфайли юзага келган бўлса, жавобгарликдан озод этилади. Бундай фавқулодда хусусиятга эга ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, зилзила, портлаш, тўфон, тупроқ чўкиши, эпидемия, бошқа табиат ҳодисалари, шунингдек, уруш, ҳарбий ҳаракатлар, тармоқ ёки ҳудудда иш ташлашлар, давлат ҳуқумати ёки бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган, мазкур шартномани бажариш имкониятидан маҳрум қилувчи қарорлар киради.

Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юзага келган ва тугатилганда, ўз мажбуриятларини бажариш имкони бўлмаган ушбу шартнома томони, ваколатли давлат органининг тегишли маълумотномасини тақдим этган ҳолда иккинчи томонни дарҳол хабардор этади.

Ўз вақтида хабардор қилинмаганда бир томон бошқа томонга хабар бермаслик ёки ўз вақтида хабар бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашга мажбур ҳисобланади.

9.2. Шартноманинг амал қилиш даврида форс-мажор ҳолатлар юзага келиши уни бажариш муддатининг ушбу ҳолатлар таъсири даврига қадар узайишига сабаб бўлади.

## 10. МАХФИЙЛИК

10.1. Томонлар ушбу шартноманинг барча шартлари томонларнинг махфий маълумотларига тааллуқли, деб билади.

10.2. Томонларнинг ҳар бири ушбу шартнома бўйича махфий маълумотларни иккинчи томоннинг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга тақдим қилиш ҳуқуқига эга эмас.

## 11. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

11.1. Ушбу Шартнома икки нусхада ўзбек тилида имзоланган бўлиб, бир хил юридик кучга эга.

11.2. Ушбу шартнома имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

11.3. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар иккала томоннинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланадиган қўшимча битим билан расмийлаштирилиши лозим.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

“Етказиб берувчи”  
Хусусий тадбиркор

“Мадалиев Масуджон Махмудович”

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани  
Гулобод массиви, 6-уй, 40-хонадон

Банк реквизитлари:  
Ўзб. Респ. ТИФ МБ “Шайхонтохур филиали”  
Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 2021 8000 6047 7223 4001  
МФО:00451  
СТИР:448435821

“Харидор”  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6

Банк реквизитлари:  
Ш-й ҳисобварақ рақами: 1000 1086 0262 6670 1120 1015 001  
Тошкент ш. МБ ҲҚМ ББ  
СТИР200637561  
ХХТУТ:97300  
Молия вазирлиги Ғазначилиги  
Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 2340 2000 3001 0000 1010  
МФО: 00014  
СТИР: 201122919

Директор



М.М. Мадалиев

Шўба мудири



М.Р. Хужаниязов

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси



Yakka tartibdagi tadbirkor davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
(Hunarmandchilik faoliyati)

### GUVOHNOMA

MADALIYEV MASUDJON MAXMUDOVICH ga

(Yakka tartibdagi tadbirkorning to'liq ism, familiyasi va otasining ismi)

berildi, unga nisbatan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reestriga yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

17.09.2020

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

1268396

raqamli yozuv bilan ro'yxatga kiritiladi.

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

448435821

Pasport: Seriyasi: AA Raqami: 1169897 04.04.2013 y. sanada berilgan

ШАЙХАНТАУРСКИЙ РОВД ГОРОДА ТАШКЕНТА

(Pasport bergan organning to'liq nomi)


Uy manzili: Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, GULOBOD 6 UY 40 XONADON

Amalga oshiriladigan faoliyat tur(lar): Metaldan yasalgan buyumlar

Faoliyatni amalga oshirish manzili: Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, YALONKOR 2 UY

Guvohnoma: Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



Amal qilish sanasi:

30.09.2023

Amal qilish sanasi (Kun, oy, yil)